

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим
Вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат
Архитектура ва Қурилиш Институти**

Факультет: Қурилишни бошқариш

Кафедра: Социология ва иқтисодиёт назарияси

Фан: Маънавий асослари ва дин шунослик

Реферат

Мавзу: Диннинг ибтидоий формалари

Бажарди: 205-Бва ИҚ талабаси

Худайбердийева.М

Текширди : Зиятова.А.Э

Мавзу. Диннинг ибтидоий формалари

Режа

1. Диннинг онг асосларининг шаклланиши.
2. Диннинг тарихий шакллари: тотемизм, анимизм, фетишизм, шаманизм, магия.
3. Неолит давридаги диний тасаввурлар.

Диний онг асосларининг шаклланиши. Илмий адабиётларда келтирилишича, «ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик ва бошқага соҳалари ўзи хос хусусиятларга эга эди. Бу нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл-атвориға, балки унинг фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишига, тасаввур этишига, мустаҳкам ҳақиқий ёки сохта мантиқий қонуниятларни кашф этишига таъсир кўрсатди. У ибтидоий бўлса ҳам ақлли, фикр юритувчи, маълум таҳлилга қобилиятли, конкрет ҳолатда фикр юрита оладиган, доимий фаолиятида вужудга келган амалий тажрибаларга эга бўлган одам эди. Бундай таҳлил нимага асосланган? Билим миқдорининг ниҳоятда озлиги ва уни доимий такомиллашиб бориши, олдинда турган ҳаётдан кўрқув ва уни енгишга бўлган интилиш, амалий тажрибани узлуксиз кўпайиши, табиат кучларига мутлақ тобелик ва ундан қутилишга тирилиш, атроф-муҳит инжиқликлари ва уларни енгиш ва ҳ.к. - буларнинг барчаси шунга олиб бордики, унинг илк қадамидан нафақат мантиқий талабчанлик, балки ҳиссий-ижтимоий, ҳаёлий-фантастик муносабатлар келиб чиқди. Гап «онгли ёввойи» ёки «абстракт фикрловчи киши» тўғрисида бораётгани йўқ, айтилишича, жамоанинг қонун қоидаларидан чиқмаган ҳолда, қолаверса 20-50 кишидан иборат бўлган кичик қабила, меҳнат фаолияти жараёни (ов, озуқа излаш, қурол ясаш, турар жойни жиҳозлаш, оловни сақлаш ва ҳ.к.) доимий ижтимоий муносабатлар, оилавий уруғдошлик алоқалари ва ҳодисалар жараёнида (никоҳ алоқалари, туғилиш ва ўлим) ушбу жамоанинг руҳ ҳомийлари, ғайритабиий кучлар ва воқеийлик ўртасидаги ғайриоддий алоқалар тўғрисида ибтидоий тасаввурлар мустаҳкамланиб борган. Реал ҳаёт билан бир қаторда ўзга дунё мавжудлиги, марҳумлар тириклар ҳаётига таъсир эта олиши тўғрисидаги ғоялар юзага келди».

Дафн этиш жараёни. Ибтидоий одам ўз қариндошларини кўмишда махсус маросимлар, маълум тайёргарлик удумларига амал қилар эди: жасадни қизил минерал бўёқ билан қопланар, унинг ёнига кундалик эҳтиёж буюмлари, зеб-зийнатлар, асбоб-анжомлар ва ҳ.к. қўйилар эди. Буларнинг бари ўз жамоа аъзоларини дафн этаётган жамоа охират мавжуд эканлиги ҳақида ибтидоий тасаввурларга эга бўлганлигидан далолат беради.

Ов қилиш. Бизга маълумки, археологик изланишлар жараёнида ер юзининг турли жойларидаги ғорларда ибтидоий одам томонидан чизилган расмлар топилган. Фанга маълум бўлган бу ғорлардаги суратларнинг кўпчилиги ов саҳнаси, одам ва ҳайвонларнинг тасвирлари, ҳайвон терисини кийган одамлар, ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасидаги мавжудот суратларидан иборат. Бу суратлар далолат қиладикки, ибтидоий одамлар ўзлари ва ҳайвонлар ўртасидаги табиий ва ғайритабиий алоқалар мавжудлиги ҳақидаги тасаввурларга эга эдилар. Бу билан бирга марҳум аجدодларининг руҳлари сеҳрли усуллар билан ҳайвонлар ҳулқига таъсир этиш имкониятига эга деб билар эдилар. Бу тасаввурлар тириклар билан марҳумлар ўртасидаги воситачилар, яъни турли хилдаги сеҳргарлар ва шаманлар фаолиятининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ибтидоий одам ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимизга кўра, унинг ҳаётида келиб чиққан диний тасаввурлар қуйидаги ибтидоий дин шаклларида намоён бўлган.

1. Тотемизм. Тотем сўзи - Шимолий Америкада яшайдиган *Ожибва* қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Унинг моҳияти «одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор», деб эътиқод қилишдир. Эҳтимол, маълум бир жамоанинг аввалда асосий озуқа манбаини ташкил қилган ҳайвон ёки ўсимликка нисбатан эътибор кейинчалик вужудга келган қабиланинг диний тасаввурларининг асосий шаклларида бирига айланган бўлиши мумкин. Уруғдош гуруҳлар ўзларини умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ёки ўсимликдан келиб чиққан деб билар эдилар. Аммо бундай тотемлар ва одамлар орасидаги алоқалар узок ўтмишга тегишлидир ва билвосита уларнинг мавжуд бўлганлигини фақатгина қадимги ривоятлар тасдиқлайди. Масалан, ҳозирги давргача Австралия Аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардан уларнинг тасаввурларини билиб олиш мумкин.

Уруғдош жамиятнинг шаклланиши жараёнида тотемизм муҳим рол ўйнади. Айниқса, улар қариндош гуруҳларнинг бошқалардан ажралишига сабаб бўлди. «Ўзимизники», яъни бир тотемга тегишли деган аниқ таассурот

пайдо бўлди. Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар ва нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Бу тотемга хос бўлмаган бегоналар бу жамоа урф-одати ва нормаларидан четда ҳисобланган. Тотемизмнинг бундай ижтимоий роли тотемистик кўринишларни эволюцион характериға ҳам таъсир кўрсатди. Вақт ўтиши билан қариндошлик тизимининг мустаҳкамланиб бориши жараёнида биринчи даражали тотем тартиби ҳақида тасаввур илгари сурилди. *Зооантропоморф* кўриниши билан аралашган ҳолда одам билан унинг тотеми қариндошлиғи орасида оилавий муносабатлар ҳақида, яъни одам вафот этгач унинг ўз тотемига айланиши ёки аксинча - тотемдан қайта инсон шаклига келиши ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлди. Биринчи томондан бунинг ҳаммаси ўтган ота-боболар руҳларининг кучайишига ва илоҳий кучларга ишончни ошишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан тотемга бўлган муносабатларни ўзгаришига, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқланишига олиб келди. *Табу* - таъқиқлаш тизими пайдо бўлди. Улардан энг муҳими тотемни овқат сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш эди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабила бошлиқларига тотемни ейиш рухсат этиларди. Шундай қилиб, тотемизм уруғчилик жамоаси - ижтимоий жамоаларнинг энг биринчисида диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Инсоният ривожланишининг дастлабки босқичларида тотемизмнинг асосий вазифалари - биринчи маърузада айтиб ўтилганидек **бирлаштирувчилик, тартибга солувчилик** эди. Тотемизм диний шаклларнинг дастлабкиси бўлишига қарамасдан, ҳозирда ҳам кўплаб халқларнинг урф-одатларида, эътиқодларида унинг унсурлари сақланиб қолган (Масалан, Ҳиндистонда *сигир*, Австралияда *кенгуру*, Қирғизларда *оқ бугу* афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланади).

2. Анимизм (лотин тилида **anima** - рух, жон маъноларини англатади). Анимизм руҳлар мавжудлиғига ишонч, табиат кучларини руҳлантириш ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг ва табиий қудрат борлиғи ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклларида бири. Илк анимистик тасаввурлар қадим ўтмишда, эҳтимол тотемистик қарашлар пайдо бўлгунгача, оилавий жамоаларнинг шакллангунича вужудга келган. Бироқ етарли тушуниб етилган ва барқарор кўринишдаги диний характерга эга бўлган тизим сифатида кечроқ, тотемизм билан бир вақтда шаклланган.

Анимизм тотемизмдан фарқланади. Тотемизм маълум бир оилавий гуруҳнинг ички истеъмолига уни бошқалардан фарқлаш мақсадига

йўналтирилган бўлса, анимистик тасаввурлар кенг ва умумий ҳарактерга эга. Улар ҳаммага тушунарли ва маъқул бўлган. Шу билан бирга у табиатнинг кудратли кучларини - осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалдиروق ва чакмоқ кабиларни илоҳийлаштириб, уларда рух мавжуд деб билар эди. Табиийки, ибтидоий одамлар нафақат табиатнинг буюк мавжудликларини, балки ер юзининг айрим алоҳида қисмлари - тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмларга ҳам илоҳий муносабатда бўлар эдилар. Ҳаттоки кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларга ўхшаш нарсалар ҳам ибтидоий одамлар тасаввурида жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган. Шундай бўлгач, ушбу табиий нарса, ҳодисаларга эътибор билан муносабатда бўлиш тақазо этиларди, қурбонликлар қилиш, уларнинг ҳақиға дуо қилиб, маросимлар уюштириларди.

Анимизм замонавий динларнинг барчасининг асосий ақидавий қисмини ташкил этади. Жумладан, жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, христианлик ва исломда ҳам рухлар ҳақидаги таълимот мавжуд.

3. Шомонлик ёхуд сеҳргарлик («шомон» сўзининг тунгус тилидаги маъноси «сеҳргарлик»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал - урф-одатлар мажмуасидир. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдо бўлиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг рухлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. У қадим ўтмишда пайдо бўлиб, минглаб йиллар давомида ривожланишда давом этиб, сақланиб келган. Одатда афсунгарлик урф-одатлари билан махсус одамлар - шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Улар орасида айниқса узок ўтмишда аёллар кўп ўринни эгаллаганлар. Бу шаманлар ва афсунгарлар жазавади ва асабий кишилар бўлиб, одамлар уларни рухлар билан мулоқотда бўлиш, уларга жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига чуқур ишонганлар. Шаманлар, одатда, маълум ритуал ҳаракатлар орқали овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавага солиб, ўзини йўқотиш, жазаваининг юқори нуқтасига етказиш билан афсунгарлик қилишган. Томошабинлар ҳам баъзан ўзини йўқотиш даражасига етиб маросимлар иштирокчилари бўлиб қолишар эди. Одатда шаман маросим охирида бир ҳолатга келиб ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар эди. Шунинг учун унинг рухлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Умуман, олганда ритуал маросимлар қисмлардан иборат бўлган афсунгарлик

жамиятнинг ҳақиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётда амалга оширилган. Илоҳий кучлар дунёси билан бундай боғланиш йўли ҳаётда номаълум, олдиндан билиб бўлмайдиган шароитлардан келиб чиққан. Лекин шу билан бирга афсунгарлик одамларнинг фикр юритиш, онгини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Бу эса диний онгни шаклланиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Афсунгарлик фикр юритиш ривожланган сари одамга ўз-ўзидан бўладиган, фақатгина мақсадли йўналишдаги ҳаракатлар натижасида олинадиган эмас, балки илоҳий кучлар афсуни билан боғлиқ бўлган шароитлардан келиб чиқадиган кўриниш деб ҳисобланган. Натижада кўпчилик аниқ ҳодисалар, ҳаттоки алоҳида буюмлар сеҳрли куч эгаси сифатида қабул қилина бошланди.

Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди. Афсунгарлик мақсадга кўра қуйидагиларга бўлинади: 1) Зарар келтирувчи - ёвуз афсунгарлик. Унинг мақсади кимгадир зарар етказишдан иборат; 2) Ҳарбий афсунгарлик. Бу душманга қарши ишлатилади (масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлаш); 3) Севги афсунгарлиги. Ундан «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш мақсадида ишлатилади. 4) Тиббий афсунгарлик. Ундан даволаш мақсадида фойдаланиш. 5) Об-ҳаво афсунгарлиги. Бу сеҳргарлик туридан ёмғир чақириш ёки шунга ўхшаш об-ҳавони ўзгартириш мақсадида фойдаланилган.

Сеҳргарлик ҳозирда ҳам замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

4. Фетишизм (фетиш сўзи французча *fetich* – бут, санам; тумор маъносидаги сўзни англатади). Унинг моҳияти табиатдаги жонсиз предметларга сиғинишдир. Унга кўра алоҳида буюмлар кишининг ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларнинг ўзгартириш кучига эга. Фетиш ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиш кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмлар пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бу бутларда ва туморларда жамоалар ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Бундай фетишга одатда афсунгарлар, шаманлар эга эдилар. Улар афсунгарлик усулларига биноан бундай буюмларга таъсир кўрсатганлар. Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм якунловчи босқич бўлиб қолди. Ҳақиқатда, аجدодларни ва табиатни жонлантириш билан боғлиқ бўлган анимизм, турли тотемлар ҳамда ўлиб кетган авлодлар шахсига боғлиқ тотемизм орқали ибтидоий одамлар онгида реал буюмлар билан бирга

илоҳий ва иллюзия дунёси борлиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлди. Натижада уларнинг онгида афсонавий фикр юритиш қобилияти мустаҳкамлади. Ва ниҳоят фетишларнинг пайдо бўлиши шуни кўрсатадики, афсонавий қудрат фақатгина вақт ва бўшлиқда кўчиб юриш хусусиятига эга бўлиб қолмасдан, балки воқеий дунёдаги буюмларда ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб, уруғчилик жамиятининг ташкил топиш жараёнида ибтидоий одамларнинг онгида дастлабки диний кўринишларнинг кенг, аниқ, тартибли мажмуаси ишлаб чиқилди. Унинг маъноси шуни англатадики, диний тасаввурлар одам ҳаётининг бўлинмас, ҳаттоки асосий қисми бўлиб қолди. Жамият ва табиат қонунларини, албатта, ўша дунё кучлари бошқаради. Шунинг учун жамоа яхши яшайман деса, озуқалар билан таъминланган, кимнингдир томонидан ҳимояланган бўлишни истаса, биринчи вазифаси у ўша ғайритабиий кучларни жуда ҳам ҳурмат қилиши керак эди. Дунё ҳақидаги бу тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узоқ вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди.

Фетишизмнинг унсурлари ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва эътиқодларида сақланиб қолган. Масалан, барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар бунга яққол мисолдир.

6. Ибтидоий мифология. Ибтидоий одамнинг тасаввури ва эътиқодлари мажмуаси, уларнинг реал ҳаётдаги қийинчиликлари, муаммолари ва ютуқлари оғзаки ижодда акс этган. Бу нарса одамларнинг онгида қолиб, турли афсоналарнинг яратилишига сабаб бўлган. Ибтидоий мифологияни ташкил этган ижод доим одамларнинг маънавий ҳаёти, ибодати, ҳиссиётлари ва диний тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Буни тушуниш осон: агар ибтидоий одамнинг асосий маънавий ҳаётида тотемларга, марҳум аجدодларга ибодат қилиш, улар билан сирли қариндошлиги бўлса, мифологиянинг марказида зооантропоморфик аجدодлар ёки ҳар-хил мўжизалар кучига эга бўлган илоҳийлаштирилган қаҳрамонлар турарди. «Маданий қаҳрамон»ларнинг исмлари афсоналарда бирон бир муҳим яратилган ихтиро ёки янгиликда мужассам бўлган. Масалан, оловни топиш, оила ва никоҳлар шаклини ўрнатиш, меҳнат ва ов қуролларини яшаш ва бошқа жасоратларга оид ақидаларни ташкил қилиш. Космогоник сюжетлар ибтидоий мифологияда катта ўрин эгаллаган. Яъни ер ва осмон, қуёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот ва ниҳоят одамнинг яратилиши тўғрисида ривоятлар ва афсоналарда диний тасаввурларнинг таъсири яққол намоён бўлган. Рухларни янги шаклга кириш сеҳрли хусусиятига, яъни ўз қиёфасини ўзгартириш қобилиятига эга, бир вақтнинг ўзида одам ва ҳайвон шаклидаги монстр деб ҳисоблашарди.

Ибтидоий мифологияда ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият, аёл ва эркеклар орасидаги муҳим алоқалар тасвирланган эди. Мифологиянинг бундай қарама-қаршиликларини таҳлил қилиш ҳозирги шароитда инсон тарихининг қадимги босқичини қайта тиклаш учун муҳим манба ҳисобланади. Хусусан, бу таҳлил ибтидоий жамоаларда тараққиётнинг боришида диний тасаввурларнинг муҳим ролини аниқлашга имкон яратади.

7. Неолит давридаги диний тасаввурлар. Неолит революцияси одамларнинг турмушини, уларнинг таъсир этадиган барча соҳаларни тубдан ўзгартирди. Одам ўсимликларни ўстириш, озуқа захираларини ҳосил этишни аста-секин ўрганди. Ва бу одамни ўтроқ ҳаёт кечиришга мажбур этди. қадим ҳайвонларни қўлга ўргатган ҳамда улар бераётган маҳсулотдан фойдаланишни ўрганди. Бу нафақат гўшт, балки сут ва теридир. Овқат пишириш билан танишиши ҳамда идишлар ясаш одамга янги муҳим материалларни узгартиришга мажбур этди. Одам, овқат ва ичимликлар сақлаш учун мўлжалланган идишлар, уй қуриш учун фойдаланадиган лойни тайёрлашга ўрганди. Неолит даври юқори плеолитдан кескин фарқ қилади. Шу жумладан, тош буюмларни силлиқлаш ва сайқал бериш - бу эса муҳим фарқ ва шу фарқ даврга ном берди (Неолит - янги тош даври, янги тош ишлаш янги усуллар даври).

Неолит даври деҳқонларга янги ишлаб чиқариш имконини берди. Деҳқонлар зич ва кўпчилик гуруҳлар билан ўрнашарди. Душмандан ҳамда ёввойи ҳайвонлардан ҳимояланган қишлоқлар кенгайиб, атрофларида кичик қишлоқчалар ўрнашар эди. Тинчлик ва овқат билан таъминлаш, туғилиш ва болаларни тирик қолиши ва ўсишига имкон берар эди. Аҳолининг кескин кўпайиши янги ерларни ўзлаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгариши диний тасаввурларнинг ривожланишига янги имкониятлар яратди.

Деҳқончиликнинг эҳтиёжлари ҳосилни узоқ вақт сабрсизлик билан кутиш кераклиги, ҳамда аниқ вақтни ҳисоблаш муҳимлиги, ер фаслларининг цикллари билиш - буларнинг ҳаммаси деҳқон қабилаларининг осмону ерга, қуёшу ойга, ёмғиру шамолга янги қизиқишини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу дегани қудратли руҳларга боғлиқлик сезиларли ва қўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илтижо ва қурбонлик уларга атала бошланди. Аммо табиий имкониятлар тўғрисидаги тасаввурлар кескин ўзгарди. Натижада қадимги руҳлар -анимистик сиғиниш объекти аста-секин ўта қудратли худога айландилар. Улар учун меҳроб ҳамда черковлар ташкил этиларди ва уларда кеча ва кундуз, деҳқонлар жамоасидан махсус ажратилган мутахассис хизматкорлар - келажакдаги қўқинлар хизмат қиларди. Қадимги тотемистик

тасаввурлар ҳам ўзгарди, деҳқонларни ҳаёти ов натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳайвонларни қадрлай бошлади, аммо ҳайвонлар ва тотемистик тасаввурлар авлодлар хотирасида сақланиб қолаверган. Бу эса зооморфик ташқи қиёфани бирон-бир сиғинилган худога акс этишига олиб келди. Аксар худоларнинг кўриниши ҳайвон, қуш, балиқларнинг ё боши, ё танаси шаклида бўлар эди. Бу мифологик қаҳрамонларнинг юқорида айтиб ўтилган худога қариндошлиги сақланиб қолган.

Фетишизмнинг сокин характери ўзгарди, худоларнинг қудратли бутлари, меҳроблар ёки черковлар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди.

Баъзан бутлар ўрнига рамзий ҳайкалчалар, турли шаклдаги тошлар гуруҳи фойдаланилди. Фетишизмнинг ривожланишида бу ҳайкал ва қурилмалар ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб хизмат қилди.

Афсун ҳам ўзгарди. Афсунгарларнинг душманларга зиён етказиш ва омадли ов билан таъминлаш, руҳлар ёрдамида ўз мақсадига етишишнинг ибтидоий усуллари ўрнига янги, пухта ўйланган илоҳлар билан алоқа маросимлари, бошқа диний маросимлар, ибодат ва қурбонлик қилиш тартиблари юзага келди. Булар асосида қадимги афсунлар ётар эди. Аммо бир қанча янгиликлар юзага келди. Бундай янгиликлардан бири - фол ва башорат эди. Булар афсунга яқин бўлган, ҳамда унга асосланган афсун принциплари ва усуллари эди. Аммо унинг мақсади бошқа эди: бу истакни амалга ошириш эмас, балки уни билишдир. Фолбинликнинг илк шакллари неалит давридан илгари ҳам амал қиларди. Аммо тизим сифатида неалит даврида яқунланди. Неолит давридаги деҳқонлар қудратли тангридан кўрққан ҳолда унинг яхши ният муносабатларига жуда қизиқар эди. Бунинг учун (қурбонлик) табиат кучлари илоҳларига ёки илоҳийлаштирилган аجدодларга ибодат қилишар эди. Уларнинг ҳаёлида келтирилган қурбонликлар ҳамда илоҳийлаштиришга ибодат қилишлари уларга ёрдам келтиради ва илтимосини рад этмайди. Аммо буни қандай билиш мумкин? Мана шу ерда барча усул ва принциплари билан фол очиш ёрдамга келар эди. Ҳар бир шаманга мунсуб бўлган ибтидоий афсун маросимларидан фарқли ўлароқ, фолбинлик юқори савияли маданиятни талаб ётарди. Маросимларни олиб боровчи фолбин кийим шартли белгилар тизимига риоя қилиши шарт эди. Бу шартли белгилар илоҳини қониқтирганлигини ҳамда уларнинг илтижоларига аниқ жавоб беришга тайёрлигини англатарди. Белгилар тизими ҳар хил - элементар қуръа ташлашдан то мураккаб чизик, ёруғ нуқта ва чизикларни қўшилишигача бўлар эди.

Таянч сўзлар:

1. Шаман; 2. Магия; 3. Тотем; 4. Фетиш; 5. Миф; 6. Дин; 7. Ибтидоий дин; 8. Рух.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., Ўзбекистон, 2009.
2. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида тўғрисида Ахборот. 2010 йил 28 январь.
4. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2009 йил 6 декабрь.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
9. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т., Ўзбекистон, 2007.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

11. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
12. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. -Т., Академия, 2000.
13. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг. Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг. -Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
14. Абдусамедов А.Э. Ислом дини асослари ва маънавияти. Т., 2007.
15. Ақидада адашмайлик. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши. -Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
16. Азимов А. Религиозний экстремизм и фундаментализм. -Т., 1998.
17. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси. -Т., 2002.
18. Дунёвийлик ва ижтимоийлик фалсафаси. Т., 2008.
19. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2002.
20. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. -Т., 2000.
21. Закурлаев А. Ғоялар кураши. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
22. Ирисов Б.Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. -Т., Маънавият, 2000.
23. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2001.
24. Ислом маърифати. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2005.
25. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. -Т., Университет, 1998.
26. Ислом. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
27. Каримов А. Дунёвийлик даҳрий эмас ёхуд “Ҳизбут-тахрир”нинг даъволари хусусида мулоҳазалар. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2002.
28. Каримов Т. Шарқ ал-Таир юлдузлари. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
29. Комилов Н. Ислом-маърифат дини. -Т., Маънавият, 2000.
30. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. Т., 2007.
31. Обидов Р., Абдуллаев С., Азимов А. Ҳидоят ва залолат. Т., 2004.
32. Отамурадов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. -Т., 2001.
33. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
34. Рахматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
35. Раджапова М.Диний экстремизм ва террорчилик. -Т., 2000.
36. Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. -Т., 2002.
37. Тарозий А.М. Олам узра тарқалган ислом. -Т., 2001.
38. Тошкент Ислом маданияти гавҳари. Фотоальбом. Т., 2007.
39. “Трибуна Ислама”. Общероссийская газета Духовного управления мусульман Европейской части России. 2005.
40. Туленова К., Тиллаволдиева М. Миллий ғоянинг фалсафий масалалари. Т., 2008.

41. Хусниддинов З.М., Абдусаттаров А. Исломдаги оқимлар: хорижийлик ва шиалик. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2003.
42. Хорун Яҳё. Ислом террорни қоралайди. -Т., Мовароуннаҳр, 2003.
43. Хожи Исматуллох Абдуллох. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т., Шарқ зиёкори, 2005.
44. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гофуров У.В., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т., Иқтисодиёт, 2009. -120 б.
45. Юнусова А.Т. Религия и закон. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2002.
46. Юнусов А. Динимиз душманлари. -Т., Мовароуннаҳр, 2000.
47. Якубов О. Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи. -Т., 2000.
48. Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиши муаммолари. -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2004.
49. Қорабоев У. «Ўзбек халқи байрамлари». –Т.: «Маънавият», 2002.
50. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2004.
51. Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.